

## ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРГА ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИДА ДИФФЕРЕНЦИЯНИНГ “ҲАМКОРЛИК” ЁКИ “РАҚОБАТ” МЕТОДЛАРИНИНГ ҚЎЛЛАНИШ МУАММОСИ

Турдалиев Б.М

Тошкент Амалий фанлар университети Инглиз тили ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7005709>

**Аннотация.** Ушбу мақолада ҳамкорлик ёки рақобат қилиш орқали дифференциянинг амалий қўлланилиши имкониятлари ва унинг таълим жараёнига таъсирини аниқлаш таҳлил қилинган. Ушбу тадқиқот ишидан кўзланган мақсадга эришиш учун хорижий тилларни ўрганувчи талабалар ўртасида тажриба ўтказилди. Ўрганишлар давомида хорижий тилларни ўрганувчи талабалар ўз ёшлари ҳамда хорижий тилларни билиш даражалари асосида турли гуруҳларга ажратилди. Бунда ҳар бир гуруҳ ўзаро ҳамкорлик методида ишлаш билан дарс машғулотларини бошлаган бўлсалар машғулотнинг сўнгига келиб рақобат методи билан якунлаганлар. Бундан ташқари, машғулот сўнгига амалий дарс машғулотларини олиб бориш учун энг қизиқарли методларини аниқлаш борасида саволнома ўтказилди. Ўтказилган тажрибанинг натижалари бўйича шу маълум бўлдики, гуруҳда таҳсил олувчиларнинг билим даражаларидан келиб чиққан ҳолда ҳамкорлик ҳамда рақобат методларини тил ўргатиш машғулотларида қўллаш учун уларни кетма-кетлик тарзда қўлланилиши мақсадга мувофиқ ижобий натижаларга эришилган.

**Калит сўзлар:** хорижий тилларни ўрганиш, ўқитиш методикаси, хорижий тилларни ўқитишни ташиқиллаштириш, ҳамкорлик/рақобат, дифференциявий таълим, дифференциявий ёндашиш.

## ПРОБЛЕМА ИСПОЛЬЗОВАНИЯ МЕТОДОВ ДИФФЕРЕНЦИАЦИИ «СОТРУДНИЧЕСТВО» ИЛИ «КОНКУРЕНЦИЯ» В ПРОЦЕССЕ ОБУЧЕНИЯ ИНОСТРАННЫМ ЯЗЫКАМ

**Аннотация.** В данной статье анализируются возможности практического применения дифференциации через сотрудничество или конкуренции и ее влияние на образовательный процесс. Для достижения цели данной исследовательской работы был проведен эксперимент среди студентов, изучающих иностранный язык. В ходе обучения студенты, изучающие иностранный язык, были разделены на разные группы в зависимости от их возраста и уровня владения иностранными языками. При этом каждая группа начинала занятие с работы по методу взаимного сотрудничества, а к концу занятия заканчивала по методу соревнования. Кроме того, в конце обучения было проведено анкетирование для определения наиболее интересных методов проведения практических занятий. По результатам эксперимента было установлено, что, исходя из уровня знаний студентов в группе, последовательное использование методов сотрудничества и конкуренции на языковых учебных занятиях дало положительные результаты.

**Ключевые слова:** обучение иностранному языку, методика обучения, организация обучения иностранному языку, сотрудничество/конкуренция, дифференцированное обучение, дифференцированный подход.

## THE PROBLEM OF USING THE METHODS OF DIFFERENTIATION "COOPERATION" OR "COMPETITION" IN THE PROCESS OF TEACHING FOREIGN LANGUAGES

**Abstract.** This article analyzes the practical application of differentiation through cooperation or competition and its impact on the educational process. To achieve the goal of this research work, an experiment was conducted among students studying a foreign language. During the training, students studying a foreign language were divided into different groups depending on their age and level of foreign language proficiency. At the same time, each group began the lesson with work according to the method of mutual cooperation, and by the end of the lesson they finished according to the method of competition. In addition, at the end of the training, a survey was conducted to determine the most interesting methods for conducting practical exercises. Based on the results of the experiment, it was found that, based on the level of knowledge of students in the group, the consistent use of methods of cooperation and competition in language training sessions gave positive results.

**Keywords:** teaching a foreign language, teaching methodology, organization of teaching a foreign language, cooperation/competition, differentiated teaching, differentiated approach

### КИРИШ

Хорижий тилларни ўқитиш жараёнида дифференция янги ходиса эмас балки уни таълим жараёнида қўлланилиши дифференциянинг бир қанча турларининг хорижий тилларни ўрганиш мобайнида таъсир ўтказадиган таъсири борасидаги маълумотларнинг мавжуд эмаслиги сабабли бир қатор муаммоларни келтириб чиқаради. Бундай муаммоли турлардан бири ҳамкорлик ёки рақобат методи орқали дифференциянинг қўлланилиши ҳисобланади.

### ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

С.В.Аверьянованинг таъкидлашига кўра рақобат стратегиясини ҳар бир тил ўргатиш дарс машғулотида қўлланилиши мажбурийдир. Унинг фикрига кўра, ушбу метод стратегияси таълим олувчиларни мустақил илмий ривожланишга туртки бўлибгина қолмай уларнинг оғзаки нутқ имкониятлари ҳамда кўникмаларини оширишга хизмат қилади [1].

Бундан ташқари, хорижий тилларни ўрганиш мобайнида рақобат руҳиятини оширишнинг муҳимлигини Н.К.Мацхонашвили томонидан ҳам таъкидлаб ўтилган. Унинг ёзувларидан келтирилишича, тахсил олувчиларнинг орасида рақобатнинг оширувчи ўйинларнинг қўлланилиши талабалар учун туртки вазифасини ўтай олади, шунингдек уларнинг ўзлаштириш имкониятларини ҳам оширишга хизмат қила олади [2].

Бундан ташқари, К.Э. Топлинсон ҳам ўз қарашларини келтириб ўтган, унга кўра, таълим жараёнида дифференциянинг қўлланилиши давомида таъсил олувчилар ўзаро эмас, балки ўз билим кўникмаларига нисбатан рақобатга киришадилар [4]. Юқорида келтирилган фикр ва қарашлардан фарқли ўлароқ бир қатор тадқиқотчилар машғулоти давомида рақобат руҳини ошириш зарарларини таъкидлаганлар, уларнинг фикрига кўра ўзаро рақобат душманликка ҳамда таълим олувчиларнинг ўзларининг билим имкониятларига нисбатан рухий тушкунликка сабаб бўлиши мумкин. Ушбу методнинг алтернатив услуби сифатида ҳамкорлик стратегик методини таклиф қилдилар [3]. Бу борадаги адабиётларни таҳлил қилинганда, таълим жараёнини рақобат руҳида олиб бориш

талабаларга таълим олишга нисбатан туртки ёки ижобий натижавийлигини кўрсатиб бериш борасида методистлар орасида ягона фикр йўқлиги маълум бўлган.

## ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Шундан келиб чиққан ҳолда, олиб борилаётган мазкур тадқиқот мақсади сифатида қуйидагини аниқлаб олинди: дифференциянинг мазкур методларини таълим жараёнида қўллашнинг амалий имкониятини аниқлаш ҳамда унинг таълим жараёнига нисбатан кўрсатадиган таъсирини ўрганиш. Бундай натижаларга эришиш мақсадида, амалда хорижий тилларга ўқитиш дарс машғулоти олиб борилаётган 4 гуруҳда тажрибалар ўтказилди, ушбу гуруҳда тахсил олувчиларнинг ёши ҳамда тил билиш билимларининг кўрсаткичларига нисбатан ажратилган. Тадқиқот матнли ҳамда ўйинли бўлимлардан ташкил этилган бўлиб, биринчи босқичда талабаларга тўғри ёки нотўғри турдаги саволлар билан икки турдаги матн берилган берилган бўлиб, берилган матнлар устида рақобат методида иш олиб борилди. Таълим олувчилар берилган топшириқларни ва матнларни бошқа талабаларга нисбатан тезроқ ва аниқроқ ўқий олишлари талаб қилинади. Агарда бир талаба бошқаларга нисбатан тезроқ бажара олса, лекин берилган саволларнинг фақат бир бўлагигагина жавоб берсаю, бироқ бошқа бир талаба кечроқ бажариб, берилган саволларга олдинги талабага нисбатан камроқ хато қилган ҳолда жавоб берган тақдирда ғолиб сифатида иккинчи навбатда кечроқ жавоб берган талаба тан олинади. Бундай усулнинг дарс машғулотида қўллашдан мақсад талабаларнинг берилган топшириқ ва саволларга нафақат тез балки аниқ жавоб бериш қобилиятларини ривожлантира олишдир.

Берилган иккинчи матн бўйича “Гуруҳ пазли” усули танлаб олинган бўлиб, бир нечта тенг ҳажмларга ажратиб ҳар бир талабаларга тенг тарқатилди. Талабаларга берилган матн бўлақларини бошқа гуруҳдошларига ўқиб, гапириб беришлари талаб қилинади, шунингдек сўнггида топшириқни гуруҳдошлари билан ўзаро бажаришлари керак. Мазкур топшириқдаги биринчи матн: саволлар тўғри / нотўғри турдаги саволлар билан бир турга мансуб бўлиб, бундан ташқари талабаларга берилган матнлар ҳамда топшириқларни бошқа талабаларга кўрсатиш тақиқлаб қўйилди ҳамда олиб борилган барча муҳокамалар ўқитилаётган тилда олиб борилди. Шу тариқа тадқиқотнинг иккинчи босқичи ҳам ўтказилди.

## МУҲОКАМА

Ўтказилган тадқиқотлар муҳокамаси натижасида рақобат ҳамда ҳамкорлик тарзида олиб борилган дифференция таълимнинг ижобий ва салбий томонлари таъкидлаб ўтилди. Улардан келиб чиққан ҳолд ижобий томони деб қуйидаги омиллар белгилаб қўйилди. Улар:

- Таълим олувчи ўзганинг эмас фақатгина ўзининг билимигагина суяниши мумкин.
- Ўзаро рақобат ва муҳокама мобайнида нафақат ўқитувчидан балки талабалар гуруҳдошларидан ҳам қўшимча маълумотларни қабул қилишлари мумкин.
- Талабалар учун тушунарсиз ҳолатларда ўз гуруҳдош дўстларидан ёрдам олишлари ёки ёрдам кўрсатишлар мумкин.
- Бир талаба эътиборидан четда қолдирган омилларга бошқа талаба эътибор қаратган ҳолда гуруҳнинг ижобий натижа кўрсатишига кўмаклашиши мумкин.
- Ўзаро ҳамкорликда ечим топишлари ва биргаликда муҳокама қилишлари ёлғизликда ишлашдан анча қизиқроқ.

- Муҳокама вақтида ўрганилаётган тилнинг фаол қўллиналиши фақатгина ижобий таъсир кўрсата олиши мумкин.
- Гуруҳда фаол иштирок этувчи талаба дарс машғулотларини ўзлаштира олиш билан муаммоларга эга бошқа талабаларга ёрдам кўрсата олиши мумкин.
- Ўрганилаётган тилни билиш даражасининг пастлиги ёки ўзаро ҳамкорликда ишлаш хошишининг йўқлиги гуруҳ ишини тўхтаб қолишига сабаб бўлиши мумкин.
- Булардан ташқари қуйидаги омил салбий томони сифатида таъкидлаб ўтилди. Берилган топшириқ ва саволларга биринчилардан бўлиб жавоб беришга интилиш натижасида матнни тўлиқ тушунишда қийинчиликларга дуч келиши мумкин.

Юқорида келтирилган омиллар орасида энг эътиборни жалб қила оладигани шундан иборатки: талабалар мустақил равишда ишлашлари (рақобат ва ҳамкорликсиз) усули билан бир қаторда бошқа талабалар орасида ўзиб кетишга ундай оладиган рақобат усули ҳам катта қизиқишга сабаб бўлган. Шунингдек, рақобат ва ҳамкорлик методларидан бирин танлови борасида ҳамкорлик методи кўпроқ устунликка эга бўлган. Талабаларнинг катта қисми унумли иш олиб бориш учун шерикни тўғри танлай билиш энг асосийси эканлиги таъкидлаб ўтганлар. Ҳар бир босқичдан сўнг талабалар ўртасида, Қайси метод орқали таълим олиш қизиқарлироқ? ёки Қайси метод хорижий тилларни ўрганишда фойдалироқ? каби саволларни ўз ичига олган саволнома ўтказилди. Ушбу икки омилнинг икки алоҳида саволномага киритилишининг сабаби шундан иборатки, талабалардан осонроқ ёки ёқимли методларни танлаш имконияти чеклаш бўлиб, натижада қизиқарлироқ ва қизиқарсиз ёки фойдали ва фойдасиз каби омиллар орқали ўз фикрларини билдириш сўралган.

Тадқиқотда иштирок этган гуруҳлар хорижий тилларни ўрганиш методикасига нисбатан тажрибага эга бўлиб, “қизиқарли” ва “ёқимли” методлар йўналишига кирувчи бир неча методларни белгилаб кўрсата олишган. Талабаларнинг катта қисми ҳамкорлик методи орқали таълим олишни қизиқарлироқ (73%) ва фойдалироқ (53%) этиб белгилаганлар. Рақобат методига нисбатан талабаларнинг 20% қизиқарлироқ деб ҳисоблаган бўлсалар 40% кўрсаткич билан фойдали эканлигин белгилаб ўтганлар. Қолган талабаларнинг фикрларига кўра (7%) таълим олишни ҳар икки томонлама рақобат ва ҳамкорлик методи орқали олиб борилиши ҳар томонлама ривожланишга сабаб бўла олишини таъкидлаб ўтганлар.

Тадқиқот натижалари ҳисобланган вақтда гуруҳ талабаларининг билим даражалари, жинси ва уларнинг ўзаро муносабатлари борасида ҳеч қандай боғлиқликлар инобатга олингани йўқ. Бундан ташқари илмий кўрсатлар ҳисобланганда гуруҳлар орасида катта фарқ сезилмаган. Умумий ҳисобланган кўрсаткичлар натижасида ҳамкорлик методи унумлироқ эканлиги тасдиқланган. Шунингдек, тадқиқотда иштирок этган гуруҳ талабалар ўрганилаётган тил бўйича ҳар бир берилган топшириқ ва саволларга нисбатан катта қизиқиш билан ёндашилган бўлиб, келгусида таълим олиш ҳамда талаб қилинадиган топшириқ ва саволларни бажаришга нисбатан етарли даражада ижобий руҳга эга бўлдилар.

Бундан ташқари, рақобат методи кўп ҳолларда талабалар ўртасида конфликт ва ўзаро келишмовчиликларга сабаб бўлди. Натижада талабалар бу метод орқали таълим олишни давом эттиришдан воҳ кечдилар. Билим кўрсаткичи паст бўлган талабалар ўзаро

рақобатлашишдан бош тортиш билан бир қаторда бошланишдан олдин воз кечдилар. Бошқа томонда ҳамкорлик методи орқали таълим жараёнида билим кўрсаткичи паст бўлган талабалар ҳам дарс машғулотларига қўшилганликлари билан бир қаторда ўзаро фаол иш олиб бордилар.

## ХУЛОСА

Юқорида келтирилганлардан келиб чиққан ҳолда, талабаларнинг хоши-истакларининг аниқ устунлиги ёки тадқиқот натижалари ўртасидаги фарқларни аниқлашнинг етарлича имкони бўлмаганлигидан келиб чиққан ҳолда, гуруҳда тахсил олувчи талабаларнинг илмий кўрсаткичларидан келиб холда гуруҳ учун унумли ва қизиқарли бўла оладиган рақобат ёки ҳамкорлик методини дарс машғулотларида ўзаро кетма-кетлик тарзда қўлланилиши таклиф этилади (шунингдек, тадқиқот давомида жуда дўстона муҳитга эга бўлган гуруҳ талабалар ўзаро рақобатга қарамай ҳамкорлик методи элементларидан доимий равишда фойдаланишлари таъкидлаб ўтилди).

## REFERENCES

1. Аверьянова С. В. Коммуникативные стратегии при обучении устному деловому общению на занятиях по иностранному языку в высшей школе // Российский внешнеэкономический вестник. 2013. № 3 [Электронный ресурс]. Режим доступа : <http://cyberleninka.ru/article/n/kommunikativnye-strategii-pri-obuchenii-ustnomu-delovomuobscheniyu-na-zanyatiyah-po-inostrannomu-yazyku-v-vysshey-shkole>
2. Мацхонашвили Н. К. Об эффективности игровых заданий на практических занятиях по иностранным языкам в общей системе профессиональной подготовки бакалавров (из опыта работы со студентами, изучающими Русский язык в Академии физического воспитания и спорта Грузии). 2008 [Электронный ресурс]. Режим доступа : <http://cyberleninka.ru/article/n/ob-effektivnosti-igrovyyh-zadaniy-na-prakticheskikh-zanyatiyahpo-inostrannym-yazykam-v-obschey-sisteme-profescionalnoy-podgotovki>
3. Lynch, J., Modgil, C., Modgil S. Cultural Diversity And The Schools : Vol. 2 : Prejudice, Polemic Or Progress? // Routledge, 2006ю 428 p. 4. Tomlinson, C. A. Differentiate Instruction In Mixed-Ability Classrooms. Alexandria: Association for Supervision and Curriculum Development, 2001. 117 p.
4. Н.Муслимов, М.Усмонбоева, Д.Сайфуров, А.Тўраев “Педагогик компетентлик ва креативлик асослари”, Тошкент – 2015 йил
5. Nurmatova, M. M., & Ismoilova, D. R. (2021). BUILDING THE STRATEGIC COMPETENCE IN THE HETEROGENEOUS COMMUNICATION. *ВЕСТНИК МАГИСТРАТУРЫ*, 65.
6. Аббасова, Н. К. (2020). ИНТЕРАКТИВНЫЙ ПОДХОД В ОБУЧЕНИИ АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКА УЧАЩИХСЯ ОБЩЕОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ШКОЛ. In *АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ СОВРЕМЕННОГО ОБРАЗОВАНИЯ* (pp. 49-53).
7. Aliyeva, N. (2021). ИЗОМОРФИЗМ АНГЛИЙСКИХ КОЛЛОКАЦИЙ И ФРАЗЕМ РУССКОГО И УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКОВ С УЧЕТОМ ПЕРЕХОДНОСТИ ЗНАЧЕНИЯ. *Журнал иностранных языков и лингвистики*, 2(2).
8. Ташматова, Г. Р. (2022). ПРОБЛЕМЫ ВНЕДРЕНИЯ ПРЕДМЕТНО-ЯЗЫКОВОГО ИНТЕГРИРОВАННОГО ОБУЧЕНИЯ (*CLIL. Academic research in educational sciences*, 3(3), 953-960.

9. Nematovna, F. S. (2016). Activities to promote speaking in a second language. *APRIORI. Серия: Гуманитарные науки*, (1), 38.
10. ГАНИЕВ, Б., & Ганиева, М. С. (2019). Религиозно-исламские и духовные корни предпринимательской деятельности в Средней Азии. In *ИДЕАЛЫ И ЦЕННОСТИ ИСЛАМА В ОБРАЗОВАТЕЛЬНОМ ПРОСТРАНСТВЕ XXI ВЕКА* (pp. 332-335).
11. Muzaffarovna, A. N., & Qizi, A. S. T. (2020). Characteristic features of word formation of a newspaper article in English and Uzbek languages. *Проблемы современной науки и образования*, (2 (147)), 41-43.
12. Abbasova, N. K. (2020). O'ZBEK VA INGLIZ TILLARIDA OLMOSHLARNING QIYOSIY TAHLILI. In *МОЛОДОЙ ИССЛЕДОВАТЕЛЬ: ВЫЗОВЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ* (pp. 472-476).
13. Karimova, S. (2022). IMPLEMENTATION OF INQUIRY-BASED LEARNING FOR TEACHING ENGLISH. *Scientific progress*, 3(3), 820-826.